

Ўзбекистон республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Рўйхатга олинди:  
№ МД-5А120302-2.02  
201\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
\_\_\_\_\_  
201\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_

**ЎРТА АСРЛАР ЕВРОПАСИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА  
МАНБАШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	100000	Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120000	Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши	5A120302	Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги “\_\_\_”-сонли буйруғининг \_\_\_-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги \_\_\_ - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий Университетида ишлаб чиқилди

**Тузувчилар:**

Д.Ж.Ураков - “Жаҳон тарихи” кафедраси мудири, доцент, т.ф.н.

**Тақризчилар:**

Р.Н. Турсунов “Жаҳон тарихи” кафедраси доценти, т.ф.н.

Ф. Исматуллаев ТДПУ “Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиши методикаси” кафедраси доценти т.ф.н.

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги “\_\_\_” – сонли баённома)

## **I. Ўқув фанининг долзарбилиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Европа мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини тарихий нуқтай назардан ўрганмасдан мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциясини чуқурлаштириш каби долзарб масалани ҳал этиб бўлмайди. Европа давлатлари тарихини манбалар асосида мукаммал даражада билмоқ инсоният цивилизациясининг ютуқларидан ва тажрибасидан тўла баҳраманд қиласи, умуминсоний қадриятларни англаб етишга кўмаклашади.

Ушбу дастурда “Ўрта асрлар Европаси тарихи тарихшунослиги ва манбашунослигининг долзарб масалалари” фанидаги Европа халқларининг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий жараёнлар акс этган илмий асарлар, манбалар тарихшунослиги ва манбашунослигини атрофлича ўрганиш ҳамда фанинг ривожланиш қонуниятлари ва мазкур фанинг таснифи каби муҳим масалалар тўлиқ акс этган.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

**Фанни ўқитишининг мақсади** - Европа мамлакатлари ўрта асрлар тарихи бўйича манбалар ва илмий адабиётларни, Европада тарихий билимлар ривожида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдизларини, ўрта асрларда халқларнинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишининг асосий босқичлари ҳамда йўналишларини тадқиқ этишдан иборат. Шунингдек, Ўрта асрларда Европа мамлакатлари тарихида рўй берган муҳим воқеалар ва жараёнларни манбалар асосида ёритиб бериш, инсониятнинг кўп асрлик тараққиётига катта таъсир кўрсатган омилларни таҳлил қилиш, тарихий ривожланиш жараёнида Европа мамлакатларида рўй берган воқеалар ва жараёнларни илмий жиҳатдан мукаммал ўрганишдан иборат.

**Фанни ўқитишининг вазифалари** - Европа мамлакатлари ўрта асрлар тарихи бўйича манбалар ва илмий адабиётларни чуқур илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш, Европада тарихий билимлар ривожида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдизларини ўрганиш, ўрта асрларда халқларнинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишининг асосий босқичлари ҳамда йўналишларини тушунтиришдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. **Магистрант:**

- Ўрта асрлар Европа тарихий манбаларининг ўзига хос хусусиятлари, асосий турлари, хиллари, мазмунига қараб туркумларга бўлинишини билиш керак манбаларни аниқлаш ва унинг илмий аҳамиятини

мавзулар тартибида саралаш, таҳлил этиш услублари ҳақида **қўниқмаларига эга бўлиши керак**;

- Тарихшунослик фанининг ривожланиш босқичлари, тарихий тадқиқотлар ривожидаги ва олий таълим тизимидағи аҳамияти каби **малакаларига эга бўлиши керак**.

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

#### **Ўрта асрларда Европа тарихшунослиги ва манбашунослигининг долзарб масалалари**

Тарихий манбашунослик, назарий манбашунослик ва унинг тарихий жараённи англашдаги ўрни, амалий манбашунослик, манбашунослик ва тарихнавислик. Манбашунослик ва маҳсус тарихий фанлар. Ўрта асрлар Европа манбашунослигининг фан сифатида ривожланиши. Манбашунослик фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

#### **Европа ўрта аср манбаларини туркумлаш**

Ўрта асрлар Европа тарихий манбаларнинг ўзига хос ҳусусиятлари манбаларни туркумлаш ва унинг тарихий тадқиқот учун аҳамияти. Туркумлашдаги асосий тамойиллар. Тарихий манба. Манбаларнинг асосий турлари: моддий ёдгорликлар, маънавий ёдгорликлар. Тарихий манбаларнинг мазмунига қараб туркумларга бўлиниши. Ўрта асрлар Европа манбаларининг асосий турлари; хўжалик ёзма манбалари, хужжатлар, қонунномалар, нарратив манбалар. Тарихий ёзма манбаларнинг асосий турлари: тарихий – адабий манбалар, хроникалар, тарих ва бошқалар. Агиографик асарлар. Диний ҳужжатлар. Дипломатик ҳужжатлар. Мемуарлар.

#### **Ўрта асрлар Европа манбаларини ўрганиш, аниқлаш, таҳлил этиш**

Ўрта асрлар Европа манбашунослиги соҳасидаги тадқиқотлар. Манбаларни аниқлаш ва унинг илмий аҳамияти. Манбаларни мавзулар тартибида саралаш ва унинг асосий шартлари. Манбаларни таҳлил этиш услублари. Манба ёзилган давр ва жой унда тарихийлик инъикоси. Манбадаги тарихий ҳаққонийлик мезони (чин билан ёлғон, тарихийлик реал акс этиши). Тарихий манба ҳақида умумий хуносалар.

#### **Европа тарихига оид ўрта аср ёзма манбалари**

Сўнгги антик давр манбалари. Илк ўрта асрлар ёзма манбалари. Ҳуқук манбалари (хужжатлар). Франк қиролларининг капитулярлари. Формула-ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-сиёсий манба. Политика. Тарих йирик асар. Анналлар. Трактатлар, оғзаки манбалар ва улардан фойдаланиш усуллари. Илк ўрта аср Европа давлатларига оид тарихий манбалар.

## **Европанинг XI – XV асрлар тарихига оид ёзма манбалар**

Ривожланган феодализм даврининг манбалар характерига таъсири. Дипломлар. Булла (диний). Нотариат институти. Италия архивлари хужжатлари. Кадастрлар. Юридик манбалар. Император ва қирол қонунномалари. Патент ва мандат. Манбаларнинг янги турлари. Трактатлар, хроникалар (салномалар). Тарихий мемуар асарлар. Тарихнависликада рационализм. Эъдиктлар маълумотлари. Тарихий адабий асарлар.

### **Сўнгги ўрта асрлар (илк янги давр) ёзма манбалари**

Жамият иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, маданий-диний ҳаётидаги чуқур ўзгаришларнинг тарихий манбалар характерига таъсири. Тарихий манбашунослик ривожи. Архивларнинг ташкил топиши ва ривожланиши. XVI – XVII асрларда миллий тиллардаги манбалар. Хужжатлар. Уставлар, битимлар, актлар, грамоталар, патентлар. Дипломатик ёзишмалар. Диний хужжатлар, қонунномалар. Реформация даври хужжатлари. Тарихий асарлар сайёҳлар кундалиги. Матбуот. Сиёсий-иқтисод. Тарихий-фалсафий асарлар.

### **Европа ўрта аср тарихшунослиги**

Тарихшунослик фани предмети, мақсади, вазифалари. Тарихшунослик фанини тарихий тадқиқотлар ривожидаги ва олий таълим тизимидағи аҳамияти. Тарихий билимларнинг фанга айланиши, ривожланиш босқичлари. “Историография” термини ва унинг ҳозирги давр тушунчаси. Тарихшунослик фани манбалари, даврланиши ва методологияси.

### **Илк ўрта асрларда тарихий билимларнинг ривожланиши**

Тарихий билимларнинг ўрта аср жамияти тараққиётидаги аҳамияти. Илк ўрта асрларда (VI-IX) илмий билимлар. А.Аврелий. Жаҳон тарихи назарияси Боэций, Касидор. Ўрта аср тарихий дунёкараши, универсализм, диний-идеалистик фалсафа (схолостика) Реализм, номинализм, концептуализм, Биографик жанр. Анналлар, трактатлар.

### **Ўрта аср хроникаси**

Ўрта асрлар хроникасига умумий тавсиф. Ўрта асрлар солномачиларининг тадқиқот услуби. Оттон Фрейзинчинский (411-468) ва унинг тарихий концепцияси. Черков ва давлат. Иоахим Флорский ва унинг “Апокалипсиска кириш” асари. Ўрта асрлар солномачиларининг манбаларга муносабати, услуби.

## **Италияда инсонпарварлик тарихнавислиги**

Уйғониш даврида тарихий фикрнинг асосий йўналиши. Тарихнависликда сиёсий мактабнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Николло Макиавелли ва унинг сиёсий трактати. Макиавеллининг тарихий дунёқараши. Франческо Гвиччардини тарихий дунёқараши унинг тарихий асрлари. Италияда эрудит мактаби. Биографик жанр.

## **Францияда инсонпарварлик тарихнавислиги.**

Италия инсонпарварларини Франция тарихнавислигига таъсири. “Франция катта хроникаси”. Филипп де Коммин ва унинг сиёсий дунёқараши. Франция тарихнавислари Павло Эмил Верон (Поля Эмил), Жак-Огюст де Ту (Якобус Август Туанус).

## **Инглиз инсонпарварлик тарихнавислиги**

Полидор Вергилий инглиз инсонпарварлик тарихнавислиги асосчиси. Вергилий асрларида ҳуқуқ, тарих, фан, черков тарихи муаммолари. Уильям Кемден тарихий солномаси. Френсис Бекон тарихнавис сиёсатшунос, файласуф. Бекон ва абсолютизм. Тарих методологияси муаммолари. Инглиз тарихнавислигини ўзига хос хусусиятлари.

## **IV. Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотларида магистрантлар “Ўрта асрлар Европаси тарихи тарихшунослиги ва манбашунослигининг долзарб масалалари” фанидан маъруза дарсларида олган назарий билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, семинарлар мавзулари бўйича тайёргарлик қўриш жараёнида қўшимча адабиётлар ва тарихий манбалар билан танишиш орқали қўшимча билим оладилар. Натижада уларнинг билим доиралари илмий жиҳатдан асосланган ҳолда кенгаяди.

“Ўрта асрлар Европаси тарихи тарихшунослиги ва манбашунослигининг долзарб масалалари” фани бўйича семинар машғулотларининг тавсия этиладиган мавзулари:

1. Тарихий манбашунослик, назарий манбашунослик ва унинг тарихий жараённи англашдаги ўрни.
2. Ўрта асрлар Европа манбашунослигининг фан сифатида ривожланиши. Манбашунослик фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
3. Ўрта асрлар Европа тарихий манбаларнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Ўрта асрлар Европа манбаларининг асосий турлари; хўжалик ёзма манбалари, хужжатлар, қонунномалар, нарратив манбалар.
5. Тарихий ёзма манбаларнинг асосий турлари: тарихий – адабий манбалар, хроникалар, тарих ва бошқалар.

6. Агиографик асарлар. Диний хужжатлар.
7. Дипломатик хужжатлар. Мемуарлар.
8. Ўрта асрлар Европа манбашунослиги соҳасидаги тадқиқотлар.
9. Манбаларни аниқлаш ва унинг илмий аҳамияти.
10. Манбаларни мавзулар таритибida саралаш ва унинг асосий шартлари. Манбаларни таҳлил этиш услублари.
11. Манба ёзилган давр ва жой унда тарихийлик инъикоси.
12. Манбадаги тарихий ҳаққонийлик мезони (чин билан ёлғон, тарихийлик реал акс этиши).
13. Тарихий манба ҳакида умумий хулосалар.
14. Анналлар. Трактатлар, оғзаки манбалар ва улардан фойдаланиш усуслари.
15. Трактатлар, хроникалар (солномалар). Тарихий мемуар асарлар.
16. Эъдиктлар маълумотлари. Тарихий адабий асарлар.
17. Ҳужжатлар. Уставлар, битимлар, актлар, грамоталар, патентлар.
18. Дипломатик ёзишмалар. Диний хужжатлар, қонунномалар.
19. Реформация даври хужжатлари.
20. Тарихий асарлар сайёхлар кундалиги.

**Изоҳ:** Ишчи фан дастурини шакллантириш жараёнида ишчи ўқув режада мазкур семинар машғулот учун белгиланган соат ҳажмидан ташқари соатлар ҳажмига мос мавзулар танлаб белгиланади.

## V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълимдан кўзланган мақсад ва вазифалар – бу талабаларда мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Мустақил таълим семинар машғулотларига тайёргарлик кўришдан ташқари фан дастурида кўрсатилмаган, аммо фан бўйича талабанинг билим доирасини кенгайтирувчи қўшимча мавзулар доирасида берилган топшириқларни бажаришни ўз ичига олади.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Фома Баккет ҳаёти (ХII аср охири).
2. Леонардо Бруни “Флоренция тарихи”.
3. Николло Макиавелли.
4. Француз инсонпарварлари.
5. Жак Огюст. Павло Эмил ва бошқалар.
6. Полидер Вергилий. Уильям Кемден ва бошқалар.
7. “Саксония зерталоси”
8. Грамота, акт, ордонанс.
9. Ижтимоий физика.
10. Елизавета подшолиги тарихи.
11. Декамерон.
12. Илк уйғониш даври.
13. Уйғониш даври тарихнавислиги.

- 14.XI-XV аср манбаларига умумий тавсиф.
- 15.Франция тарихига оид тарихий манбалар ишлаб чиқарув кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларига оид манбалар.
- 16.Хуқуқий тарихий манбалар.
- 17.Англия тарихига оид манбалар (XI-XV аср).
- 18.Ишлаб чиқариш муносабатларига оид тарихий манбалар.
- 19.Германия тарихига оид манбалар.
- 20.“Зерцало”. “Саксония зерцалоси”.
- 21.Италия тарихига оид манбалар.
- 22.Ишлаб чиқариш муносабатларига оид манбалар.

**Изоҳ:** Фан ишчи дастурини шакллантириш жараёнида мазкур машғулот учун ишчи ўқув режада кўрсатилган соатлар ҳажмига мос мавзулар рўйхати шакллантирилади.

**Фан бўйича курс иши.** Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибда топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари фан ишчи дастурда ва тегишли кафедра томонидан белгиланади. Курс ишининг бажариш талабларида фанга оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Шунингдек, курс ишининг мақсади магистрантларни мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини қўллашда амалий кўникмалар ҳосил қилиш ва замонавий билим кўникмаларини шакллантиришdir.

Курс ишлари (лойиҳалари) фан бўйича ўқув фаолияти тури сифатида қаралади ва уни ўрганишга ажратилган соат чегарасида бажарилади.

### **Курс иши учун тахминий мавзулар:**

1. “Сали хақиқати” тарихий манба сифатида.
2. Франческо Гвиччардини ўрта аср тарихнависи
3. “Хукмдор” асарининг тарихий аҳамияти
4. “Константин арғумони” тарихий манба сифатида
5. Лоренцо Валла манбашунос
6. Франция маърифатпарварлари фаолияти
7. Черков ҳужжатлари – тарихий манба сифатида.
8. Хуқуқий тарихий манбалар
9. “Даҳшатли суд китоби” тарихий манба сифатида
10. Варварлар давлатига оид манбалар..
11. Реформация ва контрреформация тарихшунослиги
12. Италия риторика мактаби.

### **VI. Асосий ва қўшимча адабиётлар ва ахборот манбалари Асосий адабиётлар**

1. Средневековье и его памятники. Под ред. Д.Н.Егорева. М., 1973.
2. Люблинская А.Д. Источниковедение истории средних веков. Л. ЛГУ.1995
3. Хрестоматия по истории средних веков. В. З.т. М.1961-1963
4. Проблемы источниковедения западно европейского средневековья. Л.1979

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. Т.: “Ўзбекистон”. 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т.: “Ўзбекистон”. 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қўрамиз. Т.: “Ўзбекистон”. 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Т.: “Ўзбекистон”. 2016.
5. Итальянские каммуны. Сборник документов М - Л.1965
6. Косминский Е.А. Историография историй средних веков. М.1961
7. Ведение в специальные исторические дисциплины. М., 1990.
8. Идейно-политическая борьба в средневековой обществе. М., 1984.
9. История средних веков. Хрестоматия. М.1982. 2-е. издание
10. Ле Гофф Ж. Цивилизация средневекового Запада. М., 1992.
11. Вайнштейн О.Л. Историография средневековой Западной Европы. М., 1964.
12. Методологические и историографические вопросы исторической науки. Томск. 1993-1994. Вып. 20,21.
13. Люблинская А.Д. Латинская палеография. М., 1969.
14. Лозинский С.Г. История папства 3-е изд. М., 1986.
15. Карсовин Л.П. Моношество в средние века. М., 1992.
16. Косминский Е.А. Историография историй средних веков. М.1961
17. Рутенберг В.И. Титаны Возрождения. М., 1988.
18. Социальная история средневековая. Под ред. Е.А.Косминского и А.Д.Удальцова. М., Л., 1927. Т. 1-2.
19. Зaborov M.A. Введение в историографию крестовых походов Латинская хронография XI-XII вв. М., 1966.
20. Византийский земледельский закон. Под ред. И.П.Медведова. Л., 1984.
21. Документы о истории университетов Европы. ИИ-ХВ вв. Воронеж. 1973.
22. Памятники средневековой Латинской литературы XI-XII вв. М., 1972.

23. Леонардо до Винчи. Избранные произведения. В двух томах. М., Л., 1985.
24. Англия в эпоху абсолютизма. Статьи и источники. Под ред. Ю.М.Сапрыкино. М., 1984.
25. Гутнова Е.В. Историография истории средних веков (середина XIX в. – 1917). М., Высшая школа. 1974.
26. Ураков Д.Ж. Ўрта асрлар Европаси тарихи тарихшунослиги ва манбашунослиги. Ўқув-услубий мажмуа. Университет 2013.

### **Электрон адабиётлар**

1. <http://Librory.Byu.edu/-rdh/eurodocs/>
2. <http://history.hanover.edu/texts.htm>
3. <http://www.ucr.edu/h-gig/horuslinks.html>
4. <http://english.www.hss.cmu.edu/history>
5. <http://www.ukans.edu/history/v1/>
6. <http://classics.mit.edu>.
7. <http://www.washlaw.edu/forint/>



